



Маълумки, кўп асрлардан бери Ислом душманлари имконлари борича бу мукаддас диндан камчилик топишга ҳаракат қилиб келадилар. Шундай уринишлардан бири Исломнинг асоси бўлган Куръонга қарата айтилаётган гаплар, тухмат-тахминлардир. Бу доирадаги бахсларни қуйидаги умумий уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) ўзлари Куръон муаллифи ҳисобланади.
2. Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) муаллиф эмас, балки у киши бошқалардан эшитиб, кейин Куръонни ёзганлар.
3. Куръон сўзма-сўз Аллоҳ таолога тегишлидир.

Келинг, шу бахсларнинг аввалги иккитасини батафсил, бирма-бир кўриб чиқамиз. Иншааллох, қуйида келтиражак асоссиз, бахсли гаплар ва тахминларга нисбатан берилган мустаҳкам асосга эга бўлган жавоблардан ўзингиз керакли хулосаларни чиқариб оласиз деган умиддамиз.

### **1. Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) муаллиф сифатида**

Мухаммадни (соллаллоху алайхи васаллам) Куръоннинг муаллифи деб ҳисобловчи тадқиқотчиларнинг далилларини кўриб чиқишдан бошлаймиз. Куръон ўзининг келиб чиқиши борасида қуйидаги оятда тўхталади. Оят:

«Албатта (бу Куръон) барча оламлар Парвардигори томонидан нозил қилингандир... уни (яъни Куръонни) Руҳул Амин Жаброил орқали очик-равшан (арабий тил билан) нозил

килди».(26:192-193)

Ёки бошка оятларга каранг (25:1, 3:3, 4:105, 16:44, 15:9). Бундан ташкари, Куръон услуби одамларга ажойиб бир исботни намоён килади, яъни Тавба сурасидан бошка барча суралар Аллохнинг номи билан бошланади. Кейин Куръоннинг кўплаб жойларида куйидагича мурожаатга кўзимиз тушади: «Айтгин», яъни муомала асосий Зотдан иккинчи зотга килинмоқда. Ушбу буйрук оханги Куръоннинг 332 жойида учрайди. Шунга ўхшаш куйидагича буйруklar хам мавжуд: «баён кил», «тасбех айт» (15:49, 76:24-26, 18:27-28). Куръонда Китоб муаллифи инс хам, жинс хам эмаслиги такрор-такрор эслатиб ўтилган. Оят:

«Айтинг: «Касамки, агар бор инсу жин мана шу Куръонни ўхшадини келтириш йўлида бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар-да, унинг ўхшадини келтира олмаслар».(17:88)

Унинг илохий манба эканлигига шубха килувчиларга аник оят келади:

«Агар биз бандамизга туширган нарсдан (Куръондан) шак-шубхада бўлсангиз, у холда шунга ўхшаган биргина сура келтиринг ва Аллохдан ўзга гувохларингизни чакиринг – агар ростгўй бўлсангиз».(2:23)

Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) танкидчиларига эслатиш лозимки, бу Зот ўз кавми орасида 40 йил яшаркан, нафакат саводсиз бир киши эди, балки ўша вақтда машхур бўлган шеъриятга нисбатан кизикмаган хам эдилар. Хакикатдан ул кишининг саводи йўк эди. Тарихдан маълумки, тўсатдан Куръон оятларини – юксак, фасохатли жумлаларни баён кила бошлади. Танкидчилар бунга нима дейди? Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) саводи йўклигини Куръоннинг ўзи тасдиқлайди-ку! Оят: «...Хаёт ва ўлим берадиган хам Унинг Ўзидир. Бас, Аллохга ва Унинг элчисига – Аллох ва Унинг сўзларига ишонадиган уммий Пайгамбарга иймон келтирингиз ва унга эргашингиз – шояд, хидоят топурсиз».(7:158) Мазкур оятлардан ташкари, ул Зотнинг ўзлари буни бир неча бор таъкидлаганлар.

Бир канча тадқиқотчилар Мухаммадни (соллаллоху алайхи васаллам) куйидаги сабаблар туфайли ёзган деб ҳисоблашади: иктисодий фойдани кўзлаб; хокимиятга интилиш; маънавий ислохотларни амалга ошириш; арабларнинг сиёсий озодлиги ва х.к. Келинг, шуларга хам ўз ўрнида мавзудан четлашмаган холда тўхталайлик.

### **Иктисодий фойда сабаб сифатида**

Айрим танкидчиларнинг фикрларига кўра, Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) Куръонни ёзгач, Аллохга нисбат бериб, иктисодий манфаатларни кўзлаган эканлар. Келинг, шундай хам дейлик. Лекин бу гипотеза тарихий далил-хужжатлар билан мувофиқ келмайди. Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) иктисодий жихатдан ўзига ўзи пайгамбарликдан олдин бир мунча яхшироқ эди. Нубувватлик фаолиятларини бошлашларидан 15 йил олдин 25 ёшларида савдо-сотик билан шугулланиб юрган, иктисодий томондан бой бўлган Хадижа исмли аёлга уйланганлар. Бу эса ўз-ўзидан инсоннинг иктисодий ҳолатига ижобий таъсир этади, албатта. Оиша онамиз икки ойлаб ёкиш учун ўт, ейишга ҳеч нарса бўлмаганлигини, факат хурмо ва сув билан кун кечирганларини ривоят килганлар. Баъзан шундай кунларда Мадина шахри одамлари эчки сути бериб юборишган. Бу ҳолат эса пайгамбарлик даврларига тўғри келади. Ушбу ҳолат вақтинчалик эмас, балки ул Зот хаётларининг киёфаси хам эди. Айнан шу

хаёт тарзи у кишининг бой-бадавлат бўлиш имконияти мавжуд бўлган замонларда кечарди, бой бўлишни истасалар, кифоя эди. Ул Зотнинг факирона турмуш кечиришларига атрофдагилар норози бўлишган пайтларда, ул Зот бу норозиликлардан хафа бўлганлар. Хатто куйидаги оятда Расулulloхга (соллаллоху алайхи васаллам) ўз хотинларига куйидагича таклиф билдириш мумкинлиги айтилади:

«Эй пайгамбар, жуфтларингизга айтинг: «Агар сизлар хаёти дунёни ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлсангизлар, у холда келинлар, мен сизларни (ўша нарсалардан) бахраманд килай ва чиройли кузатиш билан кузатай». (33:28)

«Агар Аллохни, Унинг Пайгамбарини ва охират диёрини истайдиган бўлсангизлар, у холда, шак-шубхасиз, Аллох сизларнинг орангиздаги чиройли амал килувчилар учун улуг мукофот – жаннатни тайёрлаб кўйгандир». (33:29)

Пайгамбарнинг (соллаллоху алайхи васаллам) хоналарини васф килиб, Умар (розияллоху анху) айтадилар: «Мен у Зотнинг хоналарида 3 дона ошланган тери ва бурчакда бир ховуч арпадан бўлак ҳеч нарсани кўрмадим. Сўнг йиглай бошладим. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) дедилар: «Нима учун йигляпсан?» Мен дедим: «Ё Расулulloх, дуо килинг, Аллох бизларга мўл-кўл ризк берсин. Иймонлари бўлмаган, ўзларининг подшоҳларига сигинадиган кавмлар – форслар ва румликларнинг иромклари бўлган боғлари бор. Танланган Пайгамбар, Аллохнинг энг сеvimли кули шундай факирликда яшамокда». Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) аввал турган эдилар, гапларимни эшитгач, ўтириб дедилар: «Эй Умар, нахотки, сен хали ҳам шубхадасан. Кейинги хаёт бу хаётимиздан анча яхшидир. Биз барча нарсани кейинги хаётимизга олиб кўйганмиз, гайридинлар эса бу дунёда ўз улушларидан фойдаланиб рохатланадилар». Шунда мен Расулulloхдан кечирим сўрадим».

У кишига ҳадя берилса, кўпинча таркатиб юборардилар. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) вафот этганларида мерос ташлаб кетадиган нарсалари бўлмаган экан. Вафотларидан олдин ўзларида бўлган 7 динорни мухтожларга таркатган эканлар. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) хаётларининг охиригача тежамкорлик, кам сарф билан кун кечирганлар. Шунинг учун, ул Зотнинг иктисодий манфаатлар изидан кувиб Куръонни таълиф килган деган гапларнинг асоси йўқ ҳамда тарихий далилларга зид бўлган гаплардир. Хатто бу икром «Янги католик энциклопедияси»да учрайди: «Мухаммаднинг диний фаолиятларига иктисодий асос бўлган деган далиллар асоссиз бўлиб, тарихий далилларга номувофикдир». (том 9, 1001 бет)

### **Шон-шухрат ва ҳокимият истаги**

Мухаммадни (соллаллоху алайхи васаллам) шон-шухрат ва ҳокимиятга интилиш мақсадида Куръонни таълиф килган деган караш-тахминларнинг умуман асоси йўқ. Биринчидан, маълумки Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) инсоният тарихида энг омадли раҳбарлардан бири бўлганлар. Ул Зотда мавжуд қобилиятларга бошқа инсон эга бўлганида, пайгамбарлик фаолиятларсиз сардорликни даъво килиш мумкин эди. Ҳақиқатда бу йўл анча осон ҳам эди. Иккинчидан, Куръон ҳеч бир инсон зотини (бунга Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) ҳам қиради) Куръонга ўхшаш нарсани келтира олмаслигини айтади. Агар у Зот шон-шухрат ҳамда ҳокимият талабида бўлганида эди, Куръон муаллифлигини ҳам даъво килган бўлар эди. Чунки Куръондаги услуб, фасохат, тиниклик ҳамма-хаммани хайратда қолдирганди. Бундан ташқари, Пайгамбарнинг (соллаллоху алайхи васаллам) хулқ-атворлари у Зотнинг ҳокимият истагида ёки

машхурлик талабида бўлганлигига зид келади. Маълумки, шухратга интилиш йўли вақтни хушайфиятликда ўтказиш, чиройли кийимлар кийиш, ажойиб от-уловлар миниш, мактанишга мойиллик, мансабдорлик ва х.к.ларни ўз ичига олади. Расулulloхнинг (соллаллоху алайхи васаллам) хулқлари кандай бўлганлиги еру кўкка маълум.

Расулulloхнинг (соллаллоху алайхи васаллам) давлат ишларидаги масъул жавобгарлигига карамасдан, кийимларини, оёқ кийимларини ўзлари тикар, эчкиларини ўзлари соғар эди. Мурожаат қилаётган инсонларнинг гапларини охиригача, сабр билан эшитардилар. Бир мажлисда саҳобалар ул Зотга хурмат нишонаси сифатида ўринларидан туриб саломлашганларида, Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) бу ишни тақикладилар. Бунга ўхшаш ул Зотнинг камтаринликларини исботловчи далиллар жуда кўп. Жамол Бадавий ривоят қилади: «Бир кун Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) саҳобалари билан сайёҳатга чиқдилар. Бир жойга етганларида, саҳобалар егулик тайёрлаш учун ишларни ўзаро тақсимлаб олишди. Расулulloх (соллаллоху алайхи васалламв.) ўтин олиб келишга кетдилар. Саҳобалар хижолат бўлиб, ундай қилмасликни, ўринларига ўзлари қилишларини айтишганида, Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) дедилар: «Сизлар менинг ўрнимга бу ишни қилишингизни биламан. Лекин сизларнинг устингизда имтиёзга эга бўлиб, қараб тура олмайман».

Бир куни бир нотаниш кимса келди ва хурматдан хаяжонланиб турганди. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) дедилар: «Эй биродар, бардам бўл, мен котган нон еб юрган аёлнинг фарзандиман». Ривоятларга қараганда, бир куни бир гуруҳ одамлар Расулulloхнинг (соллаллоху алайхи васаллам) олдиларига келиб, қуйидаги сўзлар билан мурожаат қила бошлашди: «Эй Аллохнинг элчиси! Бизларнинг энг яхшимиз ва энг яхшимизнинг фарзанди. Бизнинг йўлбошчимиз ва йўлбошчимизнинг фарзанди». Ул Зот қуйидагича жавоб бердилар: «Эй инсонлар, шу гапларингизнинг аввалини ёки бир қисмини айтингиз ҳамда шайтонга бизларни адашиб кетишимизга ёрдам берманг. Мен Мухаммад – Аллохнинг қули ва элчиси. Мени Аллохнинг мавқеидан юқори кўтаришингиз яхшимас. Аллох Қудратли ва Буюқдир».

Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) энг севимли ўғли Иброхимнинг вафоти Қуёш тутилиши вақтига тўғри келиб қолди. Одамлар еру кўк Иброхимнинг ўлимига йиғламоқда, деб тахмин қила бошлашди. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) бундан газабга тушиб дедилар: «Ой ва Қуёш – бу Аллохга ишора қилувчи икки аломатдир. Бу тутилиш ўлим туфайли эмас, балки тугилиш ва ўлим бу инсон бошдан кечирадиган одатий ходисалардир».

Ул Зот Аллохдан келган вахийлар ҳамда инсон ташаббусидан келиб чиққан билимлар ўртасида аниқ фарқни кўрсатиб келганлар. Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) одамлар нуқтаи назарлари билан ҳамиша ҳисоблашганлар. Мисол учун, Бадр газотида Набиб бин ал-Мундирнинг тақлифи қабул қилинган эди. Ёки Хандак жангида Мадина атрофларида хандак қазиш борасида Солмоннинг (розияллоху анху) тақлифи қабул қилинган эди.

Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) ўз қабрларини сигинадиган жой қилиб олишларини таъқиқлаб деганларки: «Менинг қабримни байрам ўтказиладиган жой қилиб олманглар». Аллохга қуйидагича дуо қилар эдилар: «Ё Аллох! Менинг қабрим устини ибодатхона қилиб олишларига йўл қўйма». Ул Зот ўзларини макташларини, кўқларга кўтаришларини тақиклаб деганларки: «Мени Ийсо ибн Марямни насоролар кўқларга кўтаргандек мактаманглар, лекин Мухаммад Аллохнинг қули ва Унинг элчиси деб

айтинглар». Куръон одамлар ўзаро бир-бирларини ортикча макташларидан кайтаради.

Оят:

«...Бас, сизлар ўзларингизни покламай кўя колинглар! У такводор бўлган кишиларни ҳам жуда яхши билгувчидир».(53:32).

Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) хокимият илинжида ҳамда шон-шухратга бўлган истаги туфайли Куръонни ўйлаб топган дегувчиларнинг тахминлари асоссиз эканлигини кўрсатувчи далилларни келтиришда давом этамиз.

Биринчидан, Агар Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) Куръон муаллифи бўлганларида, ўзларининг обрў-эътиборига мувофик тушмайдиган Куръон оятларини ташлаб кетиши мумкин эди, лекин ул Зот ундай қилмадилар. Агар шон-шухрат ва хокимият талаби Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) максоди бўлганида эди, Куръонни ўйлаб топар экан, ўзларининг хокимиятсиз эканлигини ҳамда гойибни билмаслигини, ул зот янги таълим билан келмаганлигини ва хатто ўзларига бу китобнинг тушишини билмаганларини, у киши бошқаларга ўхшаш оддий одам эканликларини одамларга баён қилмайдиган китобга муаллифлик қилармидилар?!

Иккинчидан, илк вахий келгач, Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) харакатлари хокимиятга интилиш эмаслигини кўрсатади. Хиро горидан чиккач, завжаи мутоххаралари ёнига чопдилар ва кўркувдан дир-дир титрардилар. Бу воқеа тарихда машхурдир.

### **Арабларнинг озодлиги ва уларни бириктириш сабаб сифатида**

Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) арабларни озод қилиш ва уларни бириктириш максодида Куръонни ёзган деган ўй-фикр қуйидаги сабаблар туфайли асоссиздир:

1. Агар шундай бўлганида ҳам, арабларнинг озодлиги ва уларни бириктириш борасида Куръонда таъқидланган манзиллар бўлиши керак эди. Лекин Куръоннинг бошидан охиригача бу маънодаги бирор оят учрамайди.

2. Куръоннинг мазмун-моҳияти ҳар қандай миллатчилик кўринишларига қарши чиқади.

Мисол учун қуйидаги оятларни келтирайлик. Оят:

«Эй мўминлар, агар иймондан қуфрни афзал билсалар, ота-оналарингиз ва ака-укаларингизни (ҳам) дўст тутмангиз! Сизларнинг ичингизда қимда-қим уларни дўст тутса, бас, улар золимлардир».(9:23)

3. Агар Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) максоди арабларни бирлаштириш бўлганида эди, ул Зот арабларнинг подшоҳи бўлиш таклифини қабул қилган, шу орқали хокимиятдан фойдаланган бўлар эди.

4. Куръонда қатор оятлар борки, улар Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) араб миллатчилиги тарафдорлигини рад қилади. Оят:

«Фаришталар Марямга: «Ё Марям, албатта, Аллоҳ сени (аёллар орасидан) танлаб олди ва (барча гуноҳлардан) поклади ҳамда сени бутун оламларнинг аёлларидан афзал қилди...».(3:42) Ушбу оят Ийсонинг (алайхиссалом) оналари Марямга қилинган мурожаатдир. Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) эса араб эдилар. Ул Зот мана шундай оятларни арабларга ёқадими, йўқми – араб тилида уларга ўқиб берганлар. Қаранг, ўз оналарини эмас ёки бошқа араб аёлини эмас.

### **Маънавий ислохотлар сабаб сифатида**

Яна баъзи тадқиқотчилар Мухаммадни (соллаллоху алайхи васаллам) маънавий ислохотлар қилиш мақсадида Куръонни таълиф қилганлар дейишади. Бу тахминнинг бир қанча қучсиз жихатлари мавжуд. Маънавий ислохотлар – бу улугвор мақсад бўлиб, унга ахлоқсиз усулларни (ёлгон, фиск, фужур) ишлатмасдангина эришиш мумкин. Яхши жамият шакллантириш учун ахлоқсизлик воситаларини танлаш умуман тушуниб бўлмайдиган ҳолатдир. Буни олдин келтиришмизга сабаб шуки, Пайгамбарни (соллаллоху алайхи васаллам) Куръонни ёзган, у киши Аллохга нисбат бериб ёлгон гапирган, деб турган ёлгончилар ўз гаплари изидан маънавий ислохотлар қилиш мақсадида ёзган дейишлик бир-бирига зиддир. Чин маънавий ислохотни мақсад қилган одам ички ва ташқи дунёси ҳам ўта покиза, намуна, гаплари ўта таъсирчан бўлиши керак. Бундай сифатлар ёлгон гапирадиган кишида умуман учрамайди.

Иккинчи муаммо шундаки, Куръон Аллохга нисбат бериб ёлгон гапиришни катта гуноҳлардан эканлигини қуйидагича келтиради:

«Аллох шаънига ёлгон тўқиган ёки ўзига ҳеч нарса ваҳий қилинмаган ҳолда: «Менга ваҳий келди», деган ҳамда: «Аллох нозил қилган нарсанинг мислини (ўхшашини) мен ҳам нозил қила оламан», деб даъво этган кимсалардан ҳам золимрок ким бор? (Эй Мухаммад), бу золимларни ўлим гирдобидида қолган, ўлим фаришталари қўлларини чўзиб: «Жонларингизни берингиз! Бу кун – Аллох шаънига ноҳақ гапларни айтганингиз ва Унинг оятларидан юз ўгириб қибру ҳаво қилганингиз сабаби хорлик азоби билан жазоланадиган кунингиздир», деб турган пайтда бир кўрсангиз эди». (6:93)

Ушбу оятлар бу каби ёлгончиларга жазолар ҳақида. Куръонга муаллифлик қилиб, уни Аллохга нисбат бериш бу каби Зотнинг ахлоқига тўғри келмас эди. Ёки у кишининг «сохтакорлиги» 23 йил давомида очилиб қолган бўлар эди, ақалли бир оятни бошқа бир оятга алмаштирган бўлармиди ва х.к.

Бу тахминга зид келувчи қуйидаги ҳолатга эътибор беринг. Мухаммад (Аллохга нисбат бериб) Куръон тарафидан бир неча бор тўғрилланган, яъни бир танбех, бир тўғри йўл сифатида насихат олганлар. Ухуд жангида ул Зотнинг тоғалари (Ҳамза розияллоху анху) шаҳид қетган ва танаси кесилган эди. Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) буни кўрганларида, газабдан шундай деганлари келтирилади: «Мен ҳозиргидек ҳеч қачон газабга тушмаганман. Қачонки Аллох қурайшлар устидан галаба ато қилса, ўликларининг ўттизтасидан шундай ҳолда қасдимни оламан». Шундан сўнг ваҳий тушади:

«(Эй мўминлар), агар сизлар (ўзингизга етган бирон зиён-заҳмат учун) интиком олмоқчи бўлсангизлар, у ҳолда фақат сизларга етказилган зиён баробарида интиком олингиз. (Аммо) агар (интиком олмай) сабр-тоқат қилсангизлар, албатта, сабр қилувчи кишилар учун (бу интиком олмоқдан) яхшироқдир». (16:126)

Кейинчалик Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) нафақат ниятларидан воз кечдилар, балки жангдан сўнг рақиб устидан қулишни тақикладилар.

Маънавий ислохотлар, мумкинки, Куръоннинг бир қисмидир, ҳолос. Қатор оятлар борки, одамларни қоинотни ҳамда борлиқни ўрганишга чақирди. Оят:

«(Эй Мухаммад), айтинг: «Ерда айланиб (Аллох) даставвал қандай қилиб яратганини (ва сўнг Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни йўқ қилганини) кўринглар. Сўнгра Аллох (уларни) иккинчи (марта) пайдо қилур. Албатта, Аллох барча нарсага қодирдир». (29:20)

Худди шундай, Куръонда 150 та иймон ҳақида, 756 та табиат ҳодисалари ҳақида оятлар мавжуд.

Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) Куръонни ёзиб, ёлгондан фаолият олиб борган

деган даъволар у кишининг хулklarига тўғри келмаслиги кундай равшандир. Нубувватгача ҳам у кишини «Амин»(тўғри сўз, ишончли) дейишарди. Тарихда у кишининг ёлгон гапирганлари кузатилмаган. Хатто буни ул Зотнинг душманлари ҳам тасдиқлашган. Нубувватни бошлашдан олдин, ул Зот Курайш халкини Сафо тогига йигганларида, одамлар айтишди: «Бу нима қилганинг?» Ул Зот жавоб бердилар: «Тасаввур қилинглар, агар мана шу тепаликлар ортида қулай пайт пойлаб қўшин турибди, десам менга ишонасизларми?» Улар айтишди: «Ха, сен изингда бирорта догинг бўлмаган инсонсан, биз сенинг бир марта ёлгон гапирганингни билмаймиз». У кишининг хақиқатгўй эканликларига Мадинага хижрат кечаси ул Зот Алига (розияллоху анху) одамлар нимани ишониб топширган бўлсалар, ҳаммасини қайтаришини амр қилишлари ҳам мисол бўлади.

### **Бехушликда ҳосил бўлган қалбакичилик сабаб сифатида**

Бу қараш, мумкинки, Саҳихи ал-Бухорийда келган қуйидаги икки ҳодисага асослангандир. Оиша (розияллоху анҳо) айтадиларки: «Ал-Харис бин Хишом Расулulloхдан (соллаллоху алайхи васаллам) сўради: «Ё Расулulloх, сизга ваҳий қай тарзда келади?» Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) жавоб қилдилар: «Ваҳий баъзан кўнгирок овозига ўхшаш бўлиб келади, бу ҳаммасидан энг оғири. Кейин мен эгаллагач, ўтиб кетади. Баъзида Жаброил (алайхиссалом) одам суратида келади, гапиради, мен тушуниб оламан». Оиша онамиз ул Зотнинг ваҳий қабул қилаётганларида совук кунда пешоналарида тер қўрганларини айтганлар.

Оиша онамиз ривоят қиладиларки: «Ул Зотга ваҳий даставвал яхши сўзлар билан бошланган. Ул Зот, одатда, Хиро горига бориб кунлаб ибодат қилар, сўнг Ҳадижанинг олдида бориб ўзлари билан озгина егулик олиб яна Хиро горига қайтарди». Ул Зотга Жаброил келиб ўқишга амр қилди. Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) дедикки: «Мен ўқишни билмайман ...»

Филип Хитти ўзининг «Ислом ва Гарб: тарихий қараш» асарида ёзадики: «Ваҳий пайтида Пайгамбарнинг жазавага тушишидан унинг тутканок қасали бўлганини билса бўлади».

Нарман Даниел ўзининг «Ислом ва Гарб: хақиқатлар ва ўйдирмалар» китобида ёзадики: «Мухаммад Ҳадичани ўзининг сеҳргарлик санъатига ишонтира билган ...тутканоги бор деган назариядан бошқа яна сохта диний тасаввурга эга бўлган деган назария ҳам мавжуд. Бу назарияга мувофиқ айтиш мумкинки, динга чуқур берилган одамнинг кўз ўнгида унинг хаёлида кечган нарсалар кўрина бошлайди ва буни Худодан деб ўйлайди, аслида эса ундай эмас».

Д.М.Родвел айтадики: «Мухаммад ўзининг бутун хаёти мобайнида озми кўпми алдаб юрган. Унинг онаси асабийлашган аёл эди. Шунинг учун бола қасалланган ҳамда кўзига хар хил нарсалар кўринадиган бўлиб қолган. Хаяжонланган ҳамда оғир рухий қайфиятдаги нодон одамлар уни тасдиқлашган».

Враиан С.Тарнер ёзадики: «Мухаммаднинг хаёт тарзи ё унинг рухий соғлом бўлиб пайгамбарликни ўйлаб топганлигини ё рухий носоғом бўлиб ўзининг пайгамбарлик фаолиятларига қаттиқ ишониб юборганлигини кўрсатади».

Умуман, юқоридаги қаби Куръонни беҳушлигида ёзган деган назарияларни 3 та асосий ривожланиш босқичига бўлиш мумкин: тутканок пайтида, сохта диний тасаввур ҳамда беҳушликда юзага келган. Бу уч назарияни бирлаштириб турадиган тахмин – бу Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) Куръонни ўзи ёзган, деган тахминдир.

### Сохта диний тасаввур назарияси сабаб сифатида

Сохта диний тасаввур ва беҳушликда ёзилган деган тахминлар замирида Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) Куръонни ўзи билмаган холда тажрибаси, билими, тасаввуридан келиб чикиб ёзган деган гоёлар ётади. Лекин Куръоннинг ўзида буни инкор қиладиган оятлар мавжуд. Биз тарихий воқеликлар, келажак воқеликларига боғлиқ ҳамда қатор рухий ҳолатларни акс эттирувчи мисолларни келтирамиз. Куръоннинг Каҳф сурасида мушриклар билан Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) ораларида бўлиб ўтган воқеа зикр қилинади. Унда мушриклар Пайгамбарни (соллаллоху алайхи васаллам) синаш учун қуйидаги саволларни беришади:

1. «Горда ухлаб қолганлар» ким эди?
2. Хизр хақида хақиқий воқеа қандай?
3. Зулқарнайн хақида нима биласан?

Бу учта савол Хижозда маълум бўлмай, яҳудийлар ва насоролар тарихи билан боғлиқдир. Мушрикларнинг бу уч саволни танлаганларидан мурод Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) ўзи қўрмаган ва номаълум нарсалар хақида билим манбаига эгами йўқми, шуни билиш эди. Ушбу саволлар берилганда Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) «Эртага айтаман», дедилар, «иншааллох» демадилар. Эртаси кун яҳудийлар келганларида, учрашувни рад қилдилар ва шу кетишда 15 кечагача вахий келмади. Макка аҳли устларидан қулишди. Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) гамгин бўлди. Сўнг Жаброил (алайхиссалом) у кишига таскин бериб, саволларга жавоб бердилар. Каҳф сурасининг 23-24 оятларида вахийнинг нима сабабдан тушмай тургани ҳам тушунтирилди.

Ушбу узок муддат ушланиб қолиш сабабини таҳлил қилиб, Мартин Линде ёзади: «Вахий ушланиши Пайгамбар ҳамда унинг саҳобаларига оғир бўлганлиги уларга кейинчалик факат қувват бўлди. Тўғри, ўша вақтда у киши билан баъзи томонлар қандайдир келишувлардан бош тортгандир, лекин қурайш аҳли учун бу Зотга вахийларнинг илохийлигини, у кишининг ихтиёрида вахийни назорат қилиш имконияти йўқлигини сўзсиз исботловчи зарба бўлди. Олдинги тушган вахийларни ўйлаб топган деб гумон қилинса, бундай ҳолатда, айниқса, вазият жуда қалтис бўлганда вахийнинг тўхтаб қолиши унинг Илох тарафидан қилишига яққол мисол эди».

Яна айтишадик, Пайгамбардан (соллаллоху алайхи васаллам) одатдан ташқари воқеалар хақида сўралган эди, шунинг учун жавоб беришга қийналган. Айтингчи, сохта диний тасаввурлар қандай қилиб ҳамма саволларга тўғри жавоб бера олиши мумкин? Куръонда Асхабул-Каҳф – гор соҳибларининг ухлаш муддати борасида гапирилганда дейиладик:

«Улар қаҳф – горларида уч юз йил турдилар ва яна тўққиз йилни зиёда ҳам қилдилар».(18:25)

Қаранг, оятда аниқ муддат қеляпти. Оят «300 ва 9 йил» эмас, балки янада гайриоддий шакл «300 йил ва яна 9 йил зиёда қилинди», демоқда. Нима учун 9 йил? Шамсий йил ҳисоби бўйича бу 300 йилга, қамарий йил ҳисоби бўйича 309 йилга тўғри келади. Қамарий йил 11 кунга қисқаради. 300 йилга 9 йил қўшилди. Бу аниқ ҳисоб-қитоб Пайгамбарнинг (соллаллоху алайхи васаллам) қўзларига қўрилиб кетадиган нарсалар орқали қандай юзага қилиши мумкин? Ёки бошқа мисолни олиб қарайлик. Фажр



сурасининг 6-8 оятларига эътибор беринг:

«(Эй Мухаммад), Парвардигорингиз (бошка) юртларда ўхшаши яратилмаган, баланд устун(ли каср)лар эгаси бўлган Ирам (шахридаги) Од (кабиласи)ни қандай (халокатга дучор) қилганини кўрмадингизми?»(89:6-7-8)

Агар Куръонни ҳисобга олмасак, ўша пайтда Ирам шахри ҳақида ҳеч қайси манбада маълумот йўқ эди. 1978 й. декабр ойида Америка миллий жўрофия жамиятининг расмий журналида нашр қилинган тадқиқотлар Ирам шахрининг бўлганлигини кўрсатади. 1975 йил Рим университети доктори Паоло Мтиал (Суриядаги Италия археологик ҳаракати бошлиги бўлган) эр.ав. 23 асрга тегишли қалъа харобалари устида улкан архивни топиб олади. Унда 15000 дан кўп ёзув лавҳалари бўлиб, Элба шахрининг Ирам шахри билан алоқалари бўлганлиги ҳақида маълумотлар бўлади.

Тасаввур қилиш қийинки, Мухаммаднинг (соллаллоху алайҳи васаллам) тугилишларидан 3000 йил олдин вайрон бўлган шаҳарнинг архитектурасини, моддий қисмларини беҳушлик ёки сохта диний тасаввурлар Куръонда қандай қилиб аниқ ифодалаб бера олган экан? Бу умуман ақл кўтара олмайдиган тахмин-ку. Бундан ташқари, Куръонда Мухаммад (соллаллоху алайҳи васаллам) ҳам, бошка одамлар ҳам ваҳийгача бу маълумотларни билмасликлари айтилади. Оят:

«(Эй Мухаммад), булар Биз сизга ваҳий қилаётган гайб хабарларидандир. Илгари буларни на сиз ва на қавмингиз билар эдингиз. Бас, (ҳақ динга даъват қилишда қофирларнинг етказётган озорларига) сабр қилинг. Албатта, оқибат – натижа Аллоҳдан кўркувчи кишиларникидир».(11:49)

Таъқидлаш керакки, Мухаммаднинг (соллаллоху алайҳи васаллам) бирорта замондоши келиб: «Сен алдаяпсан, эй Мухаммад. Мен бу маълумотларни олдин ҳам билардим», деб айтмади-ку. У Зот қандай қилиб бошқаларнинг бу маълумотларни умуман билмасликларига қаттиқ ишонган?

Куръонда келажакдаги баъзи воқеаларга ҳам тўхталади. Рум сурасининг 1-7 оятлари 615 йилда нозил бўлган. Оятда Рим империяси форслар томонидан мағлуб этилган бўлса-да, яқин келажакда форсларнинг мағлуб бўлиши очик айтилади. Оятда «бидъун» сўзи ишлатилган. Бу сўз 3-9 йилгача бўлган муддат маъносини англатади. Орадан 7 йил ўтиб румликлар форслар устидан галаба қозонади. Гераклус форслар устидан Иссус жангида галабани қўлга киритади. Айнан шу йилда мусулмонлар Макка мушриклари устидан ҳам галаба қозонади.

Ёки бошка бир мисол. Масад сурасининг 1-4 оятида Пайгамбарнинг (соллаллоху алайҳи васаллам) тоғаси Абу Лаҳаб иймонсиз ҳолда оламдан ўтиши айтилган. Абу Лаҳаб Мухаммаднинг (соллаллоху алайҳи васаллам) энг қатта душманларидан эди. Оят тушганида Мухаммад (соллаллоху алайҳи васаллам) атрофдагиларни йигиб, Абу Лаҳабнинг иймонсиз ҳолда ўлишини, дўзахий эканлигини айтадилар. Абу Лаҳабнинг жаҳли чиқади ва ҳатто ул Зотга отиш учун кўлига тош олади. Ушбу ваъздан кейин орадан 11 йил ўтиб, Абу Лаҳаб ўлади. Мухаммаднинг (соллаллоху алайҳи васаллам) энг ашаддий душмани бўла туриб, 10 йил давомида нима учун Куръонни ёки Мухаммадни (соллаллоху алайҳи васаллам) том маънода ёлгончига чиқара олмади? Шундай қилиш учун энг қулай имконият – бир маротаба сажда қилса ёки иймон келтирса, мақсадига етмасмиди? Хар қандай вазиятда ҳам инсон тажрибаси келажакни аниқ тасвирлаб бера олмайди.

## 2. Насоролар ва яхудийларнинг манбаларидан олинган деган назария сабаб сифатида

Юкоридаги асоссиз тахминлардан ташкари яна Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) Куръонни насронийлар ва яхудийларнинг манбаларидан олиб ёзган деган тахминлар ҳам мавжуд. Кўп бор таъкидланганки, Пайгамбарнинг (соллаллоху алайхи васаллам) хаёт йўллари у кишининг саводсиз эканликларини тасдиқлайди. Агар ул Зот саводли бўлганларида танкидчилар вахийларга 100% шубха билан қарарди.

Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) қандай қилиб насроний ёки яхудийлардан олган, деган саволга жавоб тарзда Р.А.Николсон бундай дейди: «Биз бутпарастликни инкор қилган ханифлар ва насроний зохидлар хақида кўп эшитганмиз. Даъватдан олдин Мухаммад уларнинг бир нечтаси билан муомалада бўлган, Макка қарвонлари билан савдо сайёҳатларида бўлган. Шу тарзда у оғзаки билимларга эришган ва ўзини билимсиз қилиб кўрсатган». Шунинг унутмаслик керакки, Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) бутпарастларнинг орасида вояга етган, Куръон эса тавҳидни илгари суради.

Р.А.Николсоннинг ўйларига қуйидагича жавоб берилади. Маккада жуда кам ханифлар бўлганлиги маълум. Лекин уларнинг на черковлари, қўлларида на муқаддас манбалари бўлган. Уларнинг эътиқоди борасида алоҳида хужжатлар ҳам йўқ. Мумкинки, улар кам сонли Маккалик насронийлар бўлган. Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) илми насронийлар ва яхудийлар билан алоқаси жуда чегараланганлигига тарих саҳифаларини титқилаб гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ул Зот Варака бир Навфал билан бор-йўғи икки мартаба учрашганлар. Ул Зотнинг Варака билан биринчи учрашуви Каъба олдида бўлган. Мухаммадни (соллаллоху алайхи васаллам) кўргач, яқинлашиб бошларидан ўпиб қўйган. Иккинчи учрашув эса дастлабки вахий тушгач, содир бўлди. Уч йилдан сўнг Варака вафот этади, вахий эса 23 йил давомида тушиб турди. Насронийлар Найранда, Яманда ва бир қанча яхудийлар Ясрибда ҳам бор эди. Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) Найранда нубувватдан олдин ҳам, кейин ҳам бўлганлиги қайд этилмаган. Вахийдан олдин ул Зот Мадинада бир мартаба бўлганлар. У ҳам бўлса 6 ёшларида оналари билан қариндошлариникига ва оламдан ўтган оталари қабрига зиёратга борганлар. Шундан келиб чиқиб, Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) икки шахар ўртасида яширинча қатнаб юриши мумкин эмас. Бундай усул билан Куръон жамланганининг умуман иложи ҳам йўқ. Баъзи танкидчилар Мухаммадни (соллаллоху алайхи васаллам) яхудийлар ва насронийлар билан бахсланишини айтишади. Буни эса хатто Куръон ҳам тасдиқлайди. Фақат бу бахслар Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) 13 йил Маккада яшаб, сўнг Мадинага қўчиб ўтганларидан кейин бўлган. Ушбу бахсларга эса Куръоннинг 3 дан 2 қисми тушиб бўлган эди.

Мавжуд барча хужжатлар вахийдан олдин Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) Маккадан бошқа жойларга сафар қилганларини кўрсатади. Демак, 6 ёшларида оналари билан Мадинага, 11 ёшларида тогалари Абу Толиб раҳнамолигида Сурияга, 25 ёшларида Хадижанинг қарвонини Сурияга бошлаб борганлар.

Жамол Бадавий дейдики: «Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) иш билан сафар қилиб, тўсатдан яхудийлар ва насронийларни учратиб қолиб, улардан янги қудратли дин тузиш учун ҳар икки дин тўғрисида етарли даражада маълумотларни ола билган, деган назарияга ишониш жуда-жуда қийиндир».

Юкорида билдирилган эътирозлар, назариялардан келиб чикиб куйидаги 6 та саволни ўртага ташлаймиз:

1. Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) хаётлари хакида кўплаб тарихий хужжатларни йигиб, неча асрлар давомида у кишининг хаётларини кенг тадқиқ қилиб, нима учун танқидчилар халигача ул Зотнинг махфий ўқитувчисини топа олишгани йўқ?
2. Маълумки, Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) 13 йил таъқиқ остида юрганлар. Шу йиллар мобайнида шунча кўп душманларга ул Зотнинг даъватлари ёлгондан иборатлигини исботлаш қийинмиди?
3. Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) одамлар орасида вояга етганлар ва у кишининг хаёт тарзи ҳаммага маълум бўлган. Айниқса, кулдорлик хаёт тарзининг ўзига хос очиклиги бор. Ул Зотни яхши билган қариндошлари, замондошларидан баъзилари у кишининг даъватларига даставвал шубҳа қилиб, барибир ҳақ эканликларига қандай қилиб ишонишган?
4. Дунёни ўзгартира олган динни Мухаммадга (соллаллоху алайхи васаллам) қайси ўқитувчилар доимий равишда ўргатиб келган экан? Нимага бу ўқувчи хакида ўқитувчилар ҳеч фикр билдиришмаган ёки ўзларини ошқор қилмаганлар?
5. Қандай қилиб Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) замондошлари бўлган кўплаб яҳудий ва насронийлар у кишининг бошқа илохий манбалардан маълумотларни олганлигини билиб, муслмонликни қабул қилишган экан?
6. Маълумки, қатор Куръон оятлари Мухаммадга (соллаллоху алайхи васаллам) одамларнинг олдида тушган. Куръон 23 йил давомида нозил бўлган. Ўша вақтларда «ўқитувчилар» қаерда бўлишган? Улар қандай қилиб узок йиллар яшириниб юрган? Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) ҳар доим одамлар, саҳобалар орасида юриб, ҳеч нарса фош бўлмаган 23 йил давомида қандай қилиб ўша «ўқитувчилар»ини махфий зиёрат қилиб келганлар?

Куръоннинг юзага келиши, Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) нубувватлари, Исломнинг ҳақ билан ботилни ажратиб ташлаган қонунлари, инсонлар тенглигини очик кўрсатиб берган нур ва бошқа шу қаби фазилатларни кўра олмайдиган одамлар ҳар хил камчиликлар топиш ниятида Куръоннинг манбаи хакида баҳс юритиб, қалғитишга ҳаракат қиладилар. Асрлар оша ҳар қандай гаплар, назариялар ўйлаб топишмасин, кўриб турганимиздек барча-барчаси исбот-далилсиз бўлиб қикмоқда. Дунёдаги ҳеч бир инсоннинг хаёти Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи васаллам) хаётлари қаби ўрганилмаган, тадқиқ қилинмаган. Ҳеч бир инсоннинг хаёти ул Зотнинг хаётлари қаби жамиятга қундай равшан эмас. Шу бугунга қадар Исломдан, Куръондан бирорта асосли камчилик топа олишмаган.

Доктор Али мақола асосида  
Абу Муслим тайёрлади